

Соат беш бўлишига бир неча дакика колганди. Ардис Клинтон уйининг орка эшигини очди ва «Жо» тамаддихонасида ишлайдиган ёш йигит, жазманини ичкарига киритди. Тамаддихонанинг эшиги айнан Ардис яшайдиган уйнинг орка эшиги жойлашган томонда эди.

Улар эхтирос билан кучоклашдилар. Аёл жазманининг кўйлаги остига яширилган катта пичокнинг сопи баданига текканини хис килди. Оз, жудаям оз вақтдан сўнг хаммаси тугайди. Анави ахмок така, эри ўлади. Ўзининг ахмокона хазиллари ва бемаъни одатлари билан бирга абадийлик сари равона бўлади. Йигирма минг доллар сугурта пули эса...

-Биз бахтли бўламиз, Тони,-шивирлади у.-Сенинг шахсий ресторанинг бўлади...

-Биз бахтли ва шод-хуррам яшаймиз,-деди Тони.

-Албатта, азизим,-жилмайди Ардис.-Биз турмуш куришимиз билан хаммаси яхши томонга ўзгаради.-Аёл унинг ёнокларини силади.-Тамаддихонадан чикканингни ҳеч ким кўрмадимми?

-Ҳеч ким кўрмади.

-Яхши. Агар бирортаси ошхонада йўклигингни сезиб колса-чи? Нима дейсан?

-Унда... ахлат ташлагани чиккан бўламан... Ёки ертўлага масалликка тушиб кетганлигимни айтаман...

-Яхши,-маъкуллаб бош силкиди Ардис.-Аник каерда бўлганлигингни айтма, ўшанда ҳеч ким сенинг у ерда бўлмаганлигингни исботлай олмайди. Тушундингми, азизим?

Тони бош иргади. У ётоқхонага мўралаб, ковогини уйди:

-Нимага бирпасда бундай килиб ташладинг, асалим? Тўғри, хаммаси талончиликка ўхшаши керак. Лекин у келгунча хонани ағдар-тўнтар килиб ташлаш...

-Кейин вақт колмайди. Ташвишланма, Тони. Эшик ёпик бўлади. У ётоқхонага карамайди. У нима дейишини ва нима килишини жуда яхши биламан, у тўйимизгача қандай бўлган бўлса, хозир ҳам шундай.

-Ўзинг биласан,-деди Тони.-Нима десанг шу бўлади, Ардис.

-Бизга факат политсия ташвиш келтириши мумкин. Сени бу ҳақда огохлантирдим. Сенга огир бўлади. Уларда далил-исбот бўлмайди, аммо улар сени кийнашлари, бурчакка кишишлари, саволга кўмиб ташлашлари мумкин ва агар салгина икрор бўлсанг...

-Икрор бўлмайман. Улар мендан ҳеч нарсани била олишмайди.

-Ишончинг комилми? Улар сени ахмок килишга уринишлари мумкин. Балки улар мен хаммасини тан олганимни айтишар. Шунинг учун агар ишончинг комил бўлмаса...

-Улар мендан ҳеч нарсани била олишмайди,-катъий такрорлади Тони.

Унга синчковлик билан тикилган Ардис хакикатан ҳам шундай бўлишини тушунди. У жазманини ваннахонага бошлади. Тони ваннани тўсиб турган пластик пардани сурди ва ванна ичига тушди. Чўнтагидан кўлкоп олиб такди. Шими орасига кистирилган пичогини чикарди.

-Ардис... азизам.

-Ха?

-Сени уришим шартми? Балки сал туртиб кўярман...

-Йўк, азизим,-деди аёл.-Сен мени уришинг шарт. Бу ўғирлик-ку. Агар эримни ўлдирсангу менга тегмасанг... тушунгандирсан.

-Лекин мен ҳеч қачон аёл кишини урмаганман. Сени каттиқроқ уриб кўйишим мумкин...

-Тони!

-Бўпти,-деди у.-Факат шуниси менга ёкмайрок турибди.

Ардис унинг лабларидан ўпиб кўйди ва мехмонхонага кайтди. Соат бешдан ўн беш дакика ўтганди. Биллнинг ишдан кайтишига роппа-роса беш дакика колганди. Аёл ётоқхона эшигини ёпди ва диванга чўзилди. «Е Худойим! Билл, агар ўзингни озгина бошқачарок тутганинда эди». Лекин у ўзини доим бир хил тутарди. Шунинг учун аёлнинг бошка иложи колмаганди. У ажрашишга ариза бериши мумкин эди, аммо унда ҳеч нарсага эга бўлолмасди. На пул ва на бошка нарса. На ўн беш йиллик азобли турмуши учун товон.

«Бу сенинг айбинг,-алам билан ўйлади Ардис.-Ортик чидолмайман».

Йўлакда огир кадам товушлари эшитилди. Эшик кулфи шикирлади. Билл ичкарига кирди.

-Мен келдим. Кун ўтди, пул келди.

Ардис юзини бужмайтирди. Билл мехмонхонага кирди, энгашиб хотинининг ёногидан ўпди.

-Кечки овкатга нима еймиз?

Ардис тишларини гижирлатди.

-Ахлат,-жавоб кайтарди у.-Ювинди. Гўнг аралаштирилган салат.

-Ёмонмас. Иссик сув борми?

-Иссик сув бор,-вишиллади Ардис.-Бизда қачон иссик сув бўлмаган? Қачон? Нимага хар куни битта гапни кайтараверасан?

-Тушунмадим, нега жигибийрон бўляпсан?-ер елкасини кисди.-Бўпти, ювиниб чикаман.

Ардис ваннахона эшигининг очилиб-ёпилишини эшитиб турди. У ўрнидан туриб телефон аппарати томон кадам ташлади. Ваннахона эшиги тараклаб очилди. Тони йўлакка югуриб чикди.

У пичокни ювиб бўлган, шими орасига кистираётганди. Ардис политсия рақамини терди.

-Ёрдам беринглар!-кичкирди у.-Ёрдам... политсия... ўлдиришяпти!-У гўшакни ерга ташлади ва пичирлаб сўради:-Ўлдими?

-Ха, ха. Сен нима деб ўйловдинг?

-Яхши. Энди охиргиси. Мени ур,-буюрди у иягини кўтарганча.-Тони, ур мени!

У урди. Ардиснинг кўз олдида минглаб юлдузчалар чакнади. У полга йикилди.

...Ардис хушига келганида диванда ётарди. кўринишидан қахри каттик эркак, детектив бўлса керак, унинг ёнида ўтирар, иккинчи, ок халатли, бўйнига стетоскоп осиб олган ёшрок эркак унинг тепасида турарди. Ардис ўзини зўр хис килди. Хаттоки Тонининг дахшатли мушти тушган жаги ҳам огримасди. Аммо хаммасини эслаган Ардис атайин инкиллади ва зўрга эшитиладиган килиб сўради:

-Каердаман? Нима бўлди?

-Лейтенант Пауерс,-ўзини таништирди детектив.-Бизга нима воқеа юз берганини айтиб беролмайсизми?

-Мен... мен эслолмайман. Эрим ишдан кайтиб, тўгри ваннахонага кириб кетди. Эшик такиллади, мен хат ташувчи деб ўйлаб эшикни очдим. Кимдир ичкарига бостириб кирди ва юзимга мушт туширди. Кейин эса ётоқхонага кириб хамма нарсани ағдар-тўнтар килиб ташлади...

-кўряпман. У шовкин солган бўлса керак. Нахотки эрингиз ҳеч нарсани эшитмаган бўлса?

-У эшитолмасди. Чўмилаётганди...

У жим бўлиб колди, кўркув унинг томогини чангаллаб олганди. Лейтенант Пауерс кинояли табассум килди ва унинг кўзларида учкун чакнади.

-Ковун тушириб кўйдингиз, Клинтон хоним.

-Тушунмадим... нима... деяпсиз...

-Бас килинг. Ванна куп-курук. У ерда ҳеч ким чўмилмаган ва нима учунлигини ўзингиз жуда яхши биласиз. Чунки ваннада бегона одам бўлган!

-Л-ле... лекин мен ҳеч нарсани билмайман. Мен беҳуш эдим...

-Унда ўгри ётоқхонага кириб ҳаммаёкни остин-устин килиб ташлаганини каердан биласиз? Ва бизга қандай килиб кўнгирок килдингиз?

-Хўш, мен... бутунлай хушимдан кетмаган бўлсам керак-да. Менимча, нима бўлаётганини элас-елас кўрганман...

-Энди эса мени эшитинг,-унинг гапини бўлди лейтенант.

-Сиз соат 5.23да кўнгирок килгансиз. Патрул машинаси уйингизга яқин жойда бўлган, шунинг учун 5.25да политсиячилар уйингизда бўлишган. Сиз беҳуш эдингиз ва ҳозиргина хушингизга келдингиз.

Ардиснинг кўз олдида хона чайкала бошлади. Унга лейтенант галати кора мундир, йўк, мундир эмас, ридо кийиб олганга ўхшади. Орқасида ҳам худди тундек коп-кора канотлари бордек туюлди. Доктор ҳам канотли, ридо кийганди, факат уники ок рангда эди.

-Икки дакика ичида,-давом этди Пауерс,-одам уйга бостириб кириб, бунча нарсани агдар-тўнтар килиб кочиб кета олмайди!

-Демак, операторингиз вақтни адаштирган,-деди Ардис.-Бошка изохим йўк.

Пауерс томок кириб кўйди. Лейтенант унга хақиқатга мос келадиган бошка далилни келтирди. Ардис унинг сўзларини индамай тинглади.

-Бу бемаънилик, лейтенант. Тони хақида канака миш-мишлар эшитганингизни билмайман. Мен уни эримни ўлдиришга мажбурлаганим ҳам йўк.

-У сиз мажбурлаганингизни таъкидлади. Бизда унинг кўрсатмаси бор.

Ардис кулди-уларда Тонининг кўрсатмаси бўлиши мумкин эмасди.

-Ерим қалай? Тузукми?

-Тузукми?!-ўшқирди лейтенант.

-Унақа ҳолатдаги одам...-у тўхтаб колди, сўнг чуқур уф тортгач, гапида давом этди.-Умуман олганда, унинг холати коникарли. Жароҳати оғир, лекин кўрсатма берди...

-Хурсандман. У холда нега мени сўрок қиляпсиз?-У лейтенантдан жавоб кутиб унга қаради.

Пауерс пешонасини тириштирди:

-Яхши, яхши, Клинтон хоним. Эрингиз ўлган. Бизда унинг кўрсатмаси йўк, Тонининг иқрорномаси ҳам.

-Йўк?

-Лекин биз сизнинг гунохкор эканлигингизни худди ўзингиздек АНИК биламиз. Балки имконият борлигида тавба килиб, айбингизга иқрор бўларсиз?

-Имконият борлигида?

-Доктор,-Пауерс ок ридоли эрқакка ўгирилди.-Унга тушунтириб кўйинг, доктор. Унинг жазмани зарба кучини ҳисобга олманини айтинг.

Доктор унинг устига эгилди. У мулойимлик билан гап бошлади.

-Афсуски, Клинтон хоним, жиддий жароҳат олгансиз.

-Ростданми?-Ардис илжайди.-Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

-Мен бундай деб ўйламайман. Сиз ҳеч нарсани ҳис қилмаяпсиз, ҳис қила олмайсиз ҳам. Бундай жароҳатдан сўнг...

-Йўколинглар!-деди Ардис.

-Илтимос, Клинтон хоним, ишонинг, бу политсиячиларнинг хийласи эмас. Бу ростдан ҳам тавба Килиш учун сизнинг охирги имкониятингиз.

-Мени кўрkitолмайсизлар. Энди эса йўколинглар!

У кўзларини махкам юмиб олди, яна очганида эса хонада ҳеч ким йўк эди.

Ардис ўзини галаба билан табриклар кулди. Шу пайт йўлакда огир кадам товушлари эшитилди. Товуш эшик олдига етиб келганида тинди. Калит шикирлагани эшитилди. Эшик очилиб-ёпилди. Шу пайт уни ақлдан оздираёзган таниш овоз эшитилди:

-Мен келдим. Кун ўтди, пул келди.

Ардис захархандалик билан илжайди. Демак, улар таслим бўлишмабди! Уни камокка тикишмоқчи. Майли, уриниб кўришсин.

Еркак хонага кирди, энгашиб, унинг ёногидан ўпди.

-Кечки овкатга нима еймиз?

-Ковурилган бойкуш! Энди эса эшитинг жаноб, кимлигингизни билмайман...

-Ёмонмас. Иссик сув борми?

-Е Худойим, иссик сув бор. Качон бўлмаган?-У чидаб туролмади. Бу киши ўзини унинг эридек тутаятган бўлса-да, буниси энди ортикча эди.-Йўкол бу ердан!-чийиллади Ардис.-Чидолмайман! Ўн беш йил чидадим, етар...

-Тушунмадим, нега жигибийрон бўляпсан?-у елкасини кисди.-Бўпти, ювиниб чикаман.

-Бас кил! БАС КИЛ!-хонани унинг чинкириги тутди.-У... сен ўлгансан! Буни биламан! Сен ўлгансан, сен билан гаплашишга хохишим йўк!

-Буни сен хал килмайсан,-деди Билл.-Хар калай, бўйнинг синиб ўлганингдан бери.

У шу сўзларни айтиб ваннахонага кадам ташлади. Нигохлари котиб колган Ардис полда ётаркан, ўзи учун қандай жазо тайинланганини энди-Энди англаётганди. У энди Биллдан кутула олмаслигини ва ҳаётининг сўнгги дамларидаги воқеа киёматгача ҳар куни тўхтовсиз такрорланишини тушунганди.

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси